O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

№ 8 (241) • 2010 йил 22 февраль

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

*Қонун ижодкорлари нималар устида ишлашмоқда*



*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 15 февралдаги ялпи мажлисида қуйидаги масалалар кўрилди:*

- ***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар;***
- ***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2009 йилдаги фаолияти тўғрисида.***

## ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ

***Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» маърузасидан келиб чиқадиган парламент қуйи палатасининг вазифаларини муҳокама қилиш мажлис кун тартибидаги асосий масала бўлди.***

Мазкур масаланинг муҳокамаси вақтида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Улар таъкидладиларки, аввалги чақириқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятидаги давлатимиз раҳбари кўрсатиб ўтган камчиликлар парламент ишининг барча йўналишларини чуқур қайта мушоҳада ва таҳлил қилишни, келгуси беш йиллик даврда амалга ошириладиган қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятининг устувор йўналишларини аниқ белгилаб олишни, Ўзбекистонда олиб борилаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар талаблари билан жипс боғлиқ ҳолда чуқур ва ҳар томонлама ишлаб чиқилган, узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастури қабул қилишни тақозо этади. Бунда мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотларнинг қонунчилик ва норматив базасидаги нуқсонларга тезда барҳам беришга, шунингдек, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ижроси устидан парламент назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш таклиф қилинди.

Сўзга чиққанлар ҳозирги кунда 100 дан ортиқ ихтисослашган нодавлат нотижорат ташкилотларни бирлаштириб турган Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатларнинг парламент ишида доимий равишда иштирок этиши муҳим эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Мазкур ҳаракат вакиллари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликни янада ривожлантиришга, ушбу соҳада қабул қилиб бўлинган ҳужжатларнинг сўзсиз бажарилиши учун марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларининг, шунингдек, турли жамоат ва бошқа тузилмаларнинг масъулиятини ошириш юзасидан тизимли ишни ташкил этишга кўмаклашишлари керак.

Депутатлар таъкидладиларки, мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида профессионал икки палатали Олий Мажлис олдида турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни ҳал этиш учун парламент иши самарадорлигини ошириш йўлларини тинимсиз излаш, қонунлар ва депутатлик сўровлари ташаббуси билан чиқишда юксак фаоллик ва масъулият, ўз сайловчиларининг манфаатларини ҳимоя қилишда дадиллик ва изчиллик кўрсатиш зарур. Шу муносабат билан ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан янада таъсирчан жамоатчилик назоратини таъминлаш, мамлакатимизнинг амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатини кенг ёритиш учун сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари ролини кучайтириш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳимдир.

Сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари истиқболга мўлжалланган иш режалари тўғрисида сўзладилар. Бунда Олий Мажлис ҳар иккала палатасининг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатиб ўтилган камчиликлар ва устувор йўналишлар ҳисобга олинди, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятини такомиллаштириш юзасидан бир қатор аниқ таклифлар киритилди. Хусусан, депутатларга берилган қонун ташаббускорлиги ҳуқуқидан тез-тез ва янада самарали фойдаланиш, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда партияларнинг дастурий мақсадларини ва сайловчиларнинг манфаатларини кенгроқ ифода этиш таклиф қилинди.

Мажлисда депутатлар ўз округларидаги сайловчилар билан олиб борадиган ишларини такомиллаштириш, Президентнинг парламент ҳар иккала палатасининг қўшма мажлисидаги маърузасининг, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини мамлакатимиздаги барча фуқароларга етказиш, қонун ижодкорлиги фаолияти жараёнида одамларнинг фикр-мулоҳазаларини доимо эътиборга олиш муҳимлигини таъкидладилар. Сиёсий партияларнинг парламентдаги вакиллари халқ ва ҳокимият ўртасида воситачи бўлишлари, аҳолининг долзарб муаммоларини тегишли ҳокимият тузилмаларига етказишлари кераклиги таъкидлаб ўтилди. Парламент назоратининг депутатлик сўрови, ҳокимият ижроия органлари раҳбарларининг ижтимоий-иқтисодий ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларидаги ишлар ҳолати тўғрисидаги ахборотини эшитиш каби шаклларидан янада самарали фойдаланиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Муҳокама якунлари бўйича депутатлар қарор қабул қилдилар. Унга мувофиқ Қонунчилик палатасининг фаолият дастури лойиҳасини тайёрлаш учун махсус комиссия тузилади. Сиёсий партиялар фракцияларига, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳига ва палатанинг қўмиталарига қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилашга, муқаддам қабул қилинган ҳуқуқий нормалардан фарқ қиладиган тафовутларга, қайтариқларга барҳам беришга қаратилган чоралар кўриш, ҳавола нормаларини камайтириш тавсия этилди. Уларга назорат вазифаларини режалаштириш ва амалга оширишда 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини ва унда ижтимоий-иқтисодий соҳани барқарор ривожлантириш, Олий Мажлис томонидан тасдиқланган 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолининг бандлигини таъминлаш дастурини сўзсиз бажариш юзасидан назарда тутилган чора-тадбирларни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратиш таклиф қилинди.

Қонун ижодкорлиги соҳасидаги стратегия ва вазифаларни белгилашда жамият ва давлат қурилиши тизимида фуқаролик жамияти институтларининг, шу жумладан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини кенгайтиришга, маҳаллани аниқ йўналтирилган ҳолда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришга устувор аҳамият қаратиш режалаштирилмоқда.

Депутатлар мамлакат вазирликлари ва идораларининг бундан буёнги фаолиятини такомиллаштириш, қабул қилинган қонунларнинг давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органлари томонидан ижро этилиши устидан парламент назоратини кучайтириш юзасидан ҳар томонлама пухта тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида Ҳукумат аъзоларининг, вазирлик ва идоралар раҳбарларининг тегишли тармоқларда қонунлар, ўта муҳим давлат дастурларининг ижроси тўғрисидаги ахборотини эшитишни ва муҳокама қилишни ҳам назарда тутмоқдалар.

Қонунчилик палатаси ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам равишда янгилаб борган ҳолда иқтисодиётни ва ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш жараёнлари аниқ ва кенг кўламда ўзаро боғлиқ бўлишини таъминлашга, фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини мустаҳкамлашга, нодавлат ОАВ фаолиятини янада эркинлаштириш ва жонлантиришга, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида назарда тутилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишга, Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузасидан келиб чиқадиган қоидалар ва вазифаларни ҳаётга сўзсиз татбиқ этиш, қабул қилинадиган қонунларнинг моҳиятини тушунтириш бўйича сайловчилар билан мунтазам иш олиб боришга ҳам ўз саъй-ҳаракатларини қаратиш ниятидадир.

***ЎзА материали асосида тайёрланди.***

## ОМБУДСМАН ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯЧИСИ



***Ўзбекистонда ҳуқуқ ва эркинликлари камситилган ҳар қандай киши, у республикамиз фуқароси ёки бошқа давлат фуқароси эканлигидан қатъи назар, ёрдам ва ҳимоя сўраб Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили – Омбудсманга мурожаат қилишга ҳақлидир. Фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг бошқа дастакларидан фарқли равишда у нафақат қонунийлик, балки инсонпарварлик, мақсадга мувофиқлик ва одиллик нуқтаи назаридан туриб ҳам фаолият юритади.***

***Муаммони ҳал қилишнинг бошқа барча қонуний йўллари натижа бермаган тақдирда унга мурожаат қилиш мумкин. Бунда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи бошқа институтларга қарши қўйилмайди, балки уларни тўлдиради, унинг реал кучи ва имкониятлари барча мавжуд тизимларнинг ҳамкорликдаги самарасида кўринади.***

***2009 йил 5 ноябрда Осиё Омбудсманлар уюшмаси Ассамблеяси ўз мажлисида ушбу ташкилот аъзолигига Марказий Осиё давлатлари омбудсманларидан фақат биттаси – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи билан қабул қилди.***

2-бетда

*2009 йилда инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил миллий институт давлат томонидан янада қўллаб-қувватланганi туфайли унинг мақоми ўсди. Ўтган йил апрелида унинг ваколатларини анча кенгайтирган* ***«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун (2009 йил 10 апрелдаги ЎРҚ-209-сон) қабул қилинди. Президентнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида» Фармони (2008 йил 1 майдаги ПФ-3994-сон), Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси Кенгашларининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Котибияти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» қўшма қарори (2008 йил 30 сентябрдаги 875-1/554-I-сон), шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари комплекси тўғрисида» қарори*** *(2008 йил 30 сентябрдаги 219-сон) Омбудсман институтининг моддий ва ресурс базасини анчагина мустаҳкамлаш имконини берди.*

УШБУ СОНДА

1-2-бетлар — Қонун чиқарувчилар нималар устида ишлашяпти?
2-бет — Адвокатура институти ислоҳоти
3-6-бетлар — Янги қонун ҳужжатлари
7-8-бетлар — Реклама

$1 = 1534,15 сўм € 1 = 2104,12 сўм £1 = 2401,87 сўм ¥10 = 171,20 сўм

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

– ЎзР ДСҚнинг «Акцизли товарларнинг айрим турларини сотиш ҳажмлари тўғрисидаги маълумот шаклини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР МББ, Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚДнинг «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР МББ, Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚДнинг «Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР МББнинг «Ваколатли банклар томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақларини юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори;

– ЎзР МББнинг «Ваколатли банкларда чет эл валютасидаги ҳисобварақларнинг юритилиши тартибига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори;

– ЎзР МВ, ИВ, ДСҚ, ДБҚнинг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширувчи хўжалик субъектлари томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ*
*ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

## АКЦИЗЛИ ТОВАРЛАРНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИНИ СОТИШ ҲАЖМЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТ ШАКЛИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 27 январда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 2074.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 3-4-сон, 34-модда)*

«Айрим турдаги акцизли товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг ҳисоби тизими тўғрисида»ги Вақтинчалик низомнинг 26-бандига мувофиқ (рўйхат рақами 1390, 2004 йил 26 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 30-сон, 347-модда) Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Акцизли товарларнинг айрим турларини сотиш ҳажмлари тўғрисидаги маълумот шакли иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, акцизли товарларнинг айрим турларини сотиш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар акцизли товарларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва сотишни амалга оширадиган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай тақдим этилади.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

***Давлат солиқ қўмитаси раиси***
***Б.ПАРПИЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 15 декабрь*
*2009-37-сон.*

***2010 йил 6 февралдан кучга киради.**

*Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 15 декабрдаги 2009-37-сон қарорига*
ИЛОВА

Хўжалик юритувчи субъектнинг тўлиқ номи ____________________

☐ Микрофирма ☐ Кичик корхона ☐ Йирик корхона (кераклигига "V" белгиси қўйилсин)

Хўжалик юритувчи субъектнинг жойлашган ери (почта манзили) ____________________

Телефон: код ☐☐☐☐☐ рақам ☐☐☐☐☐☐☐

Маълумотномани тақдим этиш муддати ☐☐ ☐☐ ☐☐☐☐

____________________ га тақдим этилади
(давлат рўйхатидан ўтказилган жойидаги давлат солиқ хизмати органи)

**Акцизли товарларнинг айрим турларини сотиш ҳажмлари тўғрисида**
**20___ йил _____________ ойи учун**
**МАЪЛУМОТЛАР**

| *Т/р* | *Кўрсаткичлар номи* | *Ўлчов бирликлари* | *Улгуржи сотилди* | | *Чакана сотилди* | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | *сони* | *минг сўм* | *сони* | *минг сўм* |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 1. | Ўсимлик ёғи | тонна | | | | |
| 2. | Алкоголли маҳсулотлар, шу жумладан: | дал | | | | |
| | арoқ | дал | | | | |
| | вино | дал | | | | |
| | коньяк | дал | | | | |
| | шампан виноси | дал | | | | |
| 3. | Тамаки маҳсулотлари | минг дона | | | | |
| 4. | Янги енгил автомобиллар, шу жумладан: | дона | | | | |
| | мамлакатда ишлаб чиқарилган | дона | | | | |
| 5. | Автомобиль бензини | тонна | | | | |
| 6. | Дизель ёқилғиси | тонна | | | | |

| *Хўжалик юритувчи субъект томонидан тўлдирилади* | *Давлат солиқ хизмати органи ходими томонидан тўлдирилади* |
|---|---|
| Раҳбар<br>СТИР [ ][ ][ ][ ][ ][ ][ ][ ][ ]<br>Ф.И.Ш. ____________<br>Имзо ____________<br><br>Бош бухгалтер<br>СТИР [ ][ ][ ][ ][ ][ ][ ][ ][ ]<br>Ф.И.Ш. ____________<br>Имзо ____________<br><br>Сана [ ][ ] [ ][ ] [ ][ ][ ][ ] | Мазкур маълумотнома<br>(кераклигига “V” белгиси қўйилсин)<br>[ ] қоғозда [ ] электрон кўринишда<br>[ ] шахсан [ ] почта орқали [ ] электрон почта орқали<br>[ ][ ][ ] варақда тақдим этилган<br><br>Тақдим этилган сана [ ][ ] [ ][ ] [ ][ ][ ][ ]<br>Ф.И.Ш. ____________<br>Имзо |
| Корхонага бириктирилган молия инспектори (мавжуд бўлганда)<br>СТИР [ ][ ][ ][ ][ ][ ][ ][ ][ ]<br>Ф.И.Ш. ____________<br>Имзо ____________ | |

М.Ў.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ,*
*БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

# ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ИЧКИ НАЗОРАТ ҚОИДАЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2023-1.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 5-сон, 42-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда) ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда) қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга

***2010 йил 12 февралдан кучга киради.***

қарши курашиш департаменти **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 23/6-сонли ва 32-сонли қарори (рўйхат рақами 2023, 2009 йил 23 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 44-сон, 472-модда) билан тасдиқланган «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари»га иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***Марказий банк раиси***
***Ф.МУЛЛАЖОНОВ.***
*39/3-сон*

***Солиқ, валютага оид жиноятларга***
***ва жиноий даромадларни***
***легаллаштиришга қарши курашиш***
***департаменти бошлиғи***
***З.ДУСАНОВ.***
*3-сон*

*Тошкент ш., 2009 йил 29 декабрь.*

*ЎзР МББнинг ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 29 декабрдаги 39/3, 3-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ИЧКИ НАЗОРАТ ҚОИДАЛАРИГА КИРИТИЛАДИГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. 5-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг (кейинги ўринларда — Марказий банк) ваколатли вакиллари, тижорат банкининг ички аудит хизмати ходимлари, ташқи аудиторлар ҳамда Департамент ходимлари томонидан ўтказилган текширув жараёнида ички назорат тизимини ташкиллаштиришда ва унинг фаолиятида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этилишини мониторинг қилиш;».

2. 12-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ички назорат хизмати раҳбари олий иқтисодий ёки юридик маълумотга ва тижорат банкининг банк операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлинмасида камида икки йиллик раҳбарлик тажрибасига ёхуд Ички назорат хизматида камида бир йиллик иш стажига эга бўлиши лозим».

3. 22-банд қуйидаги таҳрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар мазкур Қоидалар кучга киргунга қадар ҳисобварақ очилган мижозларга нисбатан ҳам амалга оширилади».

4. 27-банд қуйидаги таҳрирдаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Юридик шахсларни лозим даражада текшириш жараёнида тижорат банки пировард натижада мижознинг мулкдори бўлган ёки мижозни назорат қилувчи мижознинг ҳақиқий эгаси — жисмоний шахсни идентификациялаш бўйича, шу жумладан мижознинг ҳамда унинг таъсисчилари (акциядорлари, иштирокчилари)нинг мулк ва бошқарув тузилмасини ўрганиш орқали асосли ва имкони мавжуд бўлган чораларни кўриши лозим».

5. 32-банд қуйидаги таҳрирдаги бешинчи — саккизинчи хатбошлар билан тўлдирилсин:

«жўнатувчи тўғрисидаги маълумотлар (жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, юридик шахсларнинг номи, жўнатувчининг манзили ва ҳисоб рақами) тақдим этилмаган ёхуд қисман тақдим этилган халқаро пул ўтказмалари билан боғлиқ операцияларга алоҳида эътибор қаратишлари ва батафсил таҳлил қилишлари лозим;

тўлов ўтказмаларини амалга оширишда воситачи сифатида иштирок этсалар электрон ўтказмалар билан бирга жўнатиладиган, жўнатувчи тўғрисидаги барча маълумотларни тўлиқ узатилишини ва сақланишини таъминлашлари шарт;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги халқаро талабларни бажармайдиган ёки қисман бажарадиган давлатларда жойлашган ўзларининг чет элдаги шуъба банклари, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан ушбу соҳадаги халқаро стандартларга риоя қилинишига эътибор қаратишлари лозим;

чет элдаги шуъба банклари, филиаллари ва ваколатхоналаридан улар жойлашган мамлакатлар қонунчилигида тегишли чоралар тақиқланганлиги мавжудлиги сабабли, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича тегишли чораларни татбиқ қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, бош банкка ахборот берилишини талаб қилишга мажбурдирлар. Ўз навбатида тижорат банклари бу ҳақда Марказий банкка ва Департаментга хабар беришлари шарт;».

6. 35-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«35. Мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгасини идентификациялашда тижорат банки олинган маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Департамент томонидан шакллантириладиган ва тижорат банкларига тақдим қилинадиган, мазкур Қоидаларнинг 42-бандида кўрсатилган шахслар рўйхати (кейинги ўринларда — Рўйхат) ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатлар рўйхати билан солиштириб чиқиши шарт»

7. 37-банд қуйидаги таҳрирдаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«ҳисобварақ очаётган шахснинг ёхуд унинг ваколатли вакилининг шахсан иштирокисиз ҳисобварақ очиш;».

8. 39-банд қуйидаги таҳрирдаги 16-кичик банд билан тўлдирилсин:

«16) норезидент/томонидан резидентга грантлар, мо-

лиявий ёрдам, қарз ёки беғараз ёрдам сифатида пул маблағлари берилиши».

9. 40-бандда 4-кичик бандида «ҳисобварақдан» деган сўзидан кейин «ёки жўнатувчиси тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаган» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

10. 44-бандда биринчи хатбошисидаги «мумкин бўлиб, уларга нисбатан тижорат банки» деган сўзлар «ва уларга нисбатан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 45-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. 46-банд:

биринчи хатбошисидаги «мумкин бўлиб, уларга нисбатан тижорат банки» деган сўзлар «ва уларга нисбатан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги таҳрирдаги «г» кичик банд билан тўлдирилсин:

«г) жўнатувчи тўғрисидаги маълумотлари (жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, юридик шахсларнинг номи, жўнатувчининг манзили ва ҳисоб рақами) тўлиқ тақдим этилмаган пул маблағларини ўтказиш билан боғлиқ бўлган операциялар;»;

«г» кичик банди «д» кичик банд деб ҳисоблансин.

13. 47-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«47. Мижоз ёки мижоз томонидан амалга ошириладиган операция юқори даражадаги хатар тоифасига киритилган тақдирда, бундай мижоз операцияни амалга ошириш ҳақида (ҳисобварақ очиш, ҳисобварақдан маблағ кўчириш ва шу кабиларда) тижорат банкининг тегишли бўлинмаси Ички назорат хизматига хабар бериши керак. Ички назорат хизмати ушбу мижоз томонидан амалга оширилаётган операциялар устидан доимий мониторинг юритиши шарт».

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ,
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА
ВА ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА
ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ*

# НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ИЧКИ НАЗОРАТ ҚОИДАЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2027-1.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 5-сон, 43-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Кредит уюшмалари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 65-модда), «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 372-модда) ҳамда «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда) қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 23/5 ва 31-сонли қарори (рўйхат рақами 2027, 2009 йил 28 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 44-сон, 476-модда) билан тасдиқланган «Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидалари»га иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***2010 йил 12 февралдан кучга киради.***

***Марказий банк раиси***
***Ф.МУЛЛАЖОНОВ.***
*39/2-сон*

***Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғи***
***З.ДУСАНОВ.***
*2-сон*

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 29 декабрь.*

*ЎзР МББнинг ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 29 декабрдаги 39/2, 2-сон қарорига*
ИЛОВА

## НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ИЧКИ НАЗОРАТ ҚОИДАЛАРИГА КИРИТИЛАДИГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. 30-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30. Мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгасини идентификациялашда нобанк кредит ташкилоти олинган маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Департамент томонидан шакллантириладиган ва нобанк кредит

ташкилотларига тақдим қилинадиган, мазкур Қоидаларнинг 37-бандида кўрсатилган шахслар рўйхати (кейинги ўринларда — Рўйхат) ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатлар рўйхати билан солиштириб чиқиши шарт».

2. 33-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33. Мижозни лозим даражада текшириш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда нобанк кредит ташкилоти бундай мижоз билан ҳамкорлик муносабатларига киришмаслиги ёки бундай мижознинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулки билан боғлиқ операцияларни амалга оширмаслиги, ёхуд у билан ҳар қандай амалий иш муносабатларини тўхтатиши лозим.

Нобанк кредит ташкилотлари:

юридик шахсларни лозим даражада текшириш жараёнида охир натижада мижознинг мулкдори бўлган ёки мижозни назорат қилувчи мижознинг ҳақиқий эгаси — жисмоний шахсни идентификациялаш бўйича, шу жумладан мижознинг ҳамда унинг таъсисчилари (акциядорлари, иштирокчилари)нинг мулк ва бошқарув тузилмасини ўрганиш орқали асосли ва имкони мавжуд бўлган чораларни кўришлари лозим;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги халқаро талабларни бажармайдиган ёки қисман бажарадиган давлатларда жойлашган ўзларининг чет элдаги шуъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан ушбу соҳадаги халқаро стандартларга риоя қилинишига эътибор қаратишлари лозим;

чет элдаги шуъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналаридан улар жойлашган мамлакатлар қонунчилигида тегишли чоралар тақиқланганлиги сабабли, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича тегишли чораларни татбиқ қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, нобанк кредит ташкилотининг бош офисига ахборот берилишини талаб қилишга мажбурдирлар. Ўз навбатида нобанк кредит ташкилотлари бу ҳақда Марказий банкка ва Департаментга хабар бериши шарт.

Нобанк кредит ташкилотларининг чет элдаги шуъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда халқаро стандартлар ва улар жойлашган мамлакат талабларига риоя қилишлари лозим».

3. 39 ва 40-бандларнинг биринчи хатбошиларидаги «мумкин бўлиб, уларга нисбатан нобанк кредит ташкилоти» деган сўзлар «ва уларга нисбатан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 3-илованинг 4-бандидаги «нобанк кредит ташкилотида биринчи ҳисобварақ (омонати) очилган сана» деган сўзлар «биринчи ҳисобварақ очилган сана (кредит уюшмасида ёки микрокредит ташкилотида)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ*

# ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН НОРЕЗИДЕНТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАСИДАГИ ҲИСОБВАРАҚЛАРИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 4 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 510-2.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 5-сон, 47-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда), «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги (янги таҳрирда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-2-сон, 6-модда) қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ–1245-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 5 сентябрда 231-сон билан тасдиқланган «Ваколатли банклар томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақларини юритиш Тартиби»га (рўйхат рақами 510, 1998 йил 22 октябрь) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***Марказий банк раиси в.в.б.***
***Қ.РОФИЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 26 декабрь*
*38/11-сон.*

****2010 йил 14 февралдан кучга киради.***

*ЎзР МБ бошқарувининг 2009 йил 26 декабрдаги 38/11-сон қарорига ИЛОВА*

## ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН НОРЕЗИДЕНТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАСИДАГИ ҲИСОБВАРАҚЛАРИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧА**

1. 4.10-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Қуйидаги мазмундаги бешинчи бўлим билан тўлдирилсин:

**«5. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ ДОИМИЙ МУАССАСА ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРАДИГАН НОРЕЗИДЕНТЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ**

5.1.Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятини доимий муассаса орқали амалга оширадиган норезидентларнинг миллий валютадаги маблағлари Ўзбекистон Республика-

*****Илова таҳририят томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Маълумотнома тусига эга.***

си ҳудудидаги ваколатли банкларда очилган ҳисобварақларда сақланади ҳамда улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлатилади.

5.2. Мазкур ҳисобварақларга қуйидаги маблағлар киритилиши мумкин:

товарларни реализация қилиш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш)дан ва доимий муассасанинг Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа фаолият юритишдан олган маблағлари;

доимий муассасанинг Ўзбекистон Республикасининг бошқа банкларида очилган ҳисобварақларидан ўтказилган суммалар;

ваколатли банкларга чет эл валютасини сотишдан олинган суммалар.

5.3. Мазкур ҳисобварақларда ҳисобда турган маблағлар ҳисобварақ эгасининг ихтиёрига биноан:

қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашга ишлатилиши;

ҳисобварақ эгасининг Ўзбекистон Республикасининг бошқа банкларида очилган ҳисобварақларига ўтказилиши;

харажатларни тўлашга ишлатилиши, шунингдек мазкур Тартибнинг 2.3-бандида назарда тутилган бошқа мақсадларда фойдаланилиши мумкин.

5.4. Банклар амалга оширилаётган операцияларнинг мазкур Тартиб талабларига мувофиқ келиши устидан назоратни амалга оширадилар».

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ*

# ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАРДА ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ҲИСОБВАРАҚЛАРНИНГ ЮРИТИЛИШИ ТАРТИБИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 4 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 511-5.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 5-сон, 48-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда), «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги (янги таҳрирда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-2-сон, 6-модда) қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ–1245-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 5 сентябрда 232-сон билан тасдиқланган «Ваколатли банкларда чет эл валютасидаги ҳисобварақларнинг юритилиши Тартиби»га (рўйхат рақами 511, 1998 йил 22 октябрь) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***Марказий банк раиси в.в.б.***
***Қ.РОФИЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 26 декабрь*
*38/12-сон.*

***2010 йил 14 февралдан кучга киради.**

---

*ЎзР МБ бошқарувининг 2009 йил 26 декабрдаги 38/12-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАРДА ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ҲИСОБВАРАҚЛАРНИНГ ЮРИТИЛИШИ ТАРТИБИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧА**

1. 4.7-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Қуйидаги мазмундаги бешинчи бўлим билан тўлдирилсин:

**«V. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ ДОИМИЙ МУАССАСА ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРАДИГАН НОРЕЗИДЕНТЛАРНИНГ ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ**

5.1. Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятини доимий муассаса орқали амалга оширадиган норезидентларнинг чет эл валютасидаги маблағлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатли банкларда очилган валюта ҳисобварақларида сақланади ҳамда улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлатилади.

5.2. Мазкур ҳисобварақларга қуйидаги маблағлар киритилиши мумкин:

доимий муассаса ташкил этган норезидентнинг чет элдаги ҳисобварағидан ўтказилган чет эл валютаси;

доимий муассасанинг Ўзбекистон Республикасининг бошқа банкларида очилган ҳисобварақларидан ўтказилган чет эл валютаси.

5.3. Мазкур ҳисобварақларда ҳисобда турган суммалар ҳисобварақ эгасининг ихтиёрига биноан:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатли банклар орқали сотиш учун ишлатилиши;

ходимларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатларни белгиланган тартибга мувофиқ тўлашга (шу жумладан нақд пул шаклида) ишлатилиши;

ҳисобварақ эгасининг Ўзбекистон Республикасининг бошқа банкларида очилган ҳисобварақларига ўтказилиши, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадларда фойдаланилиши мумкин.

5.4. Ваколатли банклар чет эл валютасидаги ҳисобварақлардаги маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан белгиланган шакл ва муддатларда тақдим этадилар».

***Илова таҳририят томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Маълумотнома тусига эга.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ,
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ,
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

# «ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ТОМОНИДАН ИМТИЁЗЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА»ГИ ҚАРОРГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 15 февралда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 1688-2.***

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52(II)-сон), Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6 ва 7-моддаларига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қиладилар**:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 27 апрелдаги 47, 21, 2007-29, 01-02/8-11-сонли «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширувчи хўжалик субъектлари томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 1688, 2007 йил 11 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 24-сон, 254-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***2010 йил 25 февралдан кучга киради.**

***Молия вазири***
**Р.АЗИМОВ.**
*8-сон*

***Иқтисодиёт вазири***
**С.БЕКЕНОВ.**
*93-сон*

***Давлат солиқ қўмитаси раиси***
**Б.ПАРПИЕВ.**
*2010-2-сон*

***Давлат божхона қўмитаси раиси***
**С.НОСИРОВ.**
*01-02/8-1-сон*

*Тошкент ш., 2010 йил 26 январь.*

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги,*
*Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг*
*2010 йил 26 январдаги 8, 93, 2010-2, 01-02/8-1-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## «ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ТОМОНИДАН ИМТИЁЗЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА»ГИ ҚАРОРГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. Қарорда:

а) номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтириш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида».

б) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтириш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин».

2. Низомда:

а) номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтириш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан имтиёзларни қўллаш тар-

тиби тўғрисида низом»;

б) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги ПФ-3860-сонли «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтириш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан имтиёзларни қўллаш тартибини белгилайди»;

в) 1-банд қуйидаги мазмундаги хатбошлари билан тўлдирилсин:

«**ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилиш** – ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва унинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш билан боғлиқ бўлган ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, маҳсулот (ишлар, хизматлар) сифатини яхшилаш ва номенклатурасини ўзгартириш мақсадларида реконструкция қилиш лойиҳаси бўйича амалга ошириладиган товарларни ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатиш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган мавжуд бинолар ва иншоотларни қайта қуриш;

**ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтириш** – маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида фойдаланиш мақсадида янги бино ва иншоотларнинг қурилиши»;

г) 2-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Янги технологик жиҳозни сотиб олувчи, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтириш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектларга юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ягона солиқ тўлови ва мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар ушбу Низомда белгиланган тартибда тақдим этилади»;

д) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Лизинг объектини қўшимча лизингга беришда, ушбу Низомда белгиланган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ягона солиқ тўлови ва мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар қўшимча лизингни олувчига тааллуқли бўлади. Бу ҳолда лизинг объектини қўшимча лизингга берувчи лизинг олувчига юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ягона солиқ тўлови ва мол-мулк солиғи бўйича назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилмайди»;

е) 4-бандда:

биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ имтиёзлари (мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар бундан мустасно) янги жиҳоз ишлаб чиқаришга жорий этилган ёки ўз ишлаб чиқаришини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтириш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилиш амалга оширилган навбатдаги солиқ давридан бошлаб қўлланилади»;

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзлар фойда (тушум) қайси фаолият туридан олинган бўлишидан қатъий назар солиқ солинадиган фойданинг (солиқ солинадиган базанинг) барча суммасига нисбатан татбиқ этилади»;

иккинчи ва учинчи хатбошилари учинчи ва тўртинчи хатбошилари деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбошидаги «даромад солиғи» деган сўзлар «юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 5-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

з) биринчи параграфнинг номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1-§. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича имтиёзлар»;

и) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси ишлаб чиқаришни модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, янги технологик жиҳоз харид қилишга, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматининг ўрнини қоплашга йўналтириладиган маблағлар суммасига, тегишли солиқ даврида ҳисобланган амортизацияни чегириб ташлаган ҳолда, бироқ солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтирилади»;

к) қуйидаги мазмундаги $6^1$-банд билан тўлдирилсин:

«$6^1$. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича имтиёз товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришни амалга оширувчи солиқ тўловчилар томонидан қўлланилади»;

л) 7-бандда «базасидан» деган сўз «фойдасидан» деган сўз билан алмаштирилсин;

м) 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Солиқ солинадиган фойдани ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган мақсадларга йўналтириладиган маблағлар суммасига камайтириш харажатлар амалга оширилган солиқ давридан эътиборан, янги технологик жиҳоз бўйича эса у фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан беш йил ичида амалга оширилади. Агар жорий солиқ даврида юқорида таъкидлаб ўтилган мақсадлар учун йўналтириладиган маблағлар суммаси солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан ошса, қолган сумма келгуси солиқ даврларида ўрнатилган муддатда чегирилиб бориши мумкин.

Бунда, солиқ солиш фойдасининг камайтирилиши ҳар ҳисобот (солиқ) даврида ўсиб борувчи якун билан амалга оширилади»;

н) 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Агар ҳисобот (солиқ) даврида ҳисобланган амортизация суммаси ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга ва лизинг объекти қийматининг ўрнини қоплашга йўналтирилган маблағлар суммасидан ошса, ушбу ҳисобот (солиқ) даврида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича солиқ солиш фойдасининг камайтирилиши амалга оширилмайди»;

о) 21-бандда «фойда солиғи» деган сўзлар «юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

